

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёқилги-энергетика тармоғидаги келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. ***

«Давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ–1161-сон, 27.07.2026 й.) қабул қилинди. ***

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Буюк ватандошимиз, ҳадис ва таъсаввуф илмининг етук намояндаси Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ, жорий йилда Ҳаким Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланади. ***

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган «Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

Мазкур ҳужжатга дунёнинг барча минтақаларини ифодаловчи БМТга аъзо 61 давлат ҳаммуаллиф бўлди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва парламент дипломатиясини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари халқро ҳам-жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди. ***

Адлия вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги идоравий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказди.

Мазкур ҳужжат билан давлат органлари ва ташкилотлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий сертификатлаштириш тартиби белгиланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ



Айни кунларда мамлакатимизда давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмақда. «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» деган бош ғоя асосида Президент қарориди белгилаб берилган вазифа ва чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур эзгу мақсадлар касба уюшмалари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топиб, меҳнат жамоаларида байрам руҳини мустаҳкамлаш, ходимларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни юртимиз тараққиёти йўлидаги бунёдкорлик ишларига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2-мажлисида муҳокама қилинган масалалар ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда касба уюшмалари фаолиятини замон талаблари асосида тақомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Мажлиси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди. Дастлаб Андижон вилояти кенгашининг меҳнат соҳасида ижтимоий шериклини ривожлантириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти атрофида таҳлил этилди. Муҳокамадир якунида барча ҳудудларда ташкилотларни касба уюшмаларига жалб этиш қўламини кенгайтириш, бошланғич ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда уларни

зарур иш шароити ва бинолар билан таъминлаш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект нафақат иқтисодиёт, балки давлат ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятининг ҳам ажралмас қисмига айланмоқда. Шу боис касба уюшмалари тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мажлисда Федерация тизимида ана шу мақсадларга қаратилган сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш масаласи, рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришнинг 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, шунингдек, киберхавфсизлиқни таъминлаш чора-тадбирлари дастури муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатлар Федерация фаолиятини замонавий рақамли бошқарув таъминоти асосида ташкил этиш, ички иш жараёнларини автоматлаштириш, таҳлилий имкониятларни кенгайтириш, шунингдек, ходимлар ва касба уюшмалари аъзоларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, меҳнат соҳасидаги долзарб масалалар бўйича жамоатчилик эшитувлари ва давра суҳбатларини ташкил этиш, тармоқ ва ҳудудий кенгашиларда ўтказилган ўрганишлар якунлари бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш масалалари ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Федерациянинг тарихий меросини асраш, унинг фаолиятини кенг тарғиб этиш ва келгуси авлодлар учун муҳим манбалар яратишга қаратилган ташаббуслар мажлис иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, 2016-2026 йиллардаги фаолиятни акс эттирувчи фотоальбом тайёрлаш ҳамда «Ўзбекистон касба уюшмалари энциклопедияси» илмий-оммабоп нашрини яратиш бўйича таклифлар қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, мажлис кун тартибидан халқро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари ҳам ўрин олди. Касба уюшмалари Умумқонфедерацияси (ВКП) Кенгашининг навбатдаги мажлисини Ўзбекистонда ўтказишга тайёргарлик кўриш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда туркиялик болаларнинг мамлакатимизга саёҳатларини ташкил этишга доир ташаббуслар муҳокама қилинди. Бундай лойиҳалар касба уюшмалари ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқро нуфузини оширишга хизмат қилишни таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган капитал қурилиш ва таъмирлаш

ишлари сарҳисоб қилиниб, келгусида режалаштирилган йирик лойиҳалар хусусида ҳам ахборот берилди. Мазкур йўналишдаги ишлар касба уюшмалари тизимида замонавий инфратузилмани шакллантириш, ходимлар ва аҳоли учун муносиб шароитлар яратишга қаратилгани қайд этилди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик масаласи алоҳида муҳокама қилинди. Қутлуг сана муносабати билан касба уюшмалари тизимида маънавий-маърифий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, уларнинг мазмун-моҳиятида истиқлол ғоялари, Ватанга садоқат ва бунёдкорлик руҳини кенг ифода этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган масалалар касба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишларини қамраб олди. Қабул қилинган қарорлар меҳнаткашлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, рақамли трансформацияни жадаллаштириш, халқро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва тизим фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Белгиланган вазифаларнинг изчил ва сифатли амалга оширилиши касба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, инсон меҳнати ва қадрини улуғлаш, Янги Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётига муносиб ҳисса қўшишда муҳим аҳамият касб этади.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА
«ISHONCH»

Қувонч ТўРАЕВ олган суратлар

«...Мени бир ўқирман сифатида китоб муаллифининг битикларига сарлавҳа қўйиш маҳорати қойил қолдирди. Аввало, китобнинг номи бир неча маъноли экани билан диққатни тортади: уни «Миллатнинг шавкати» ёки «Миллатнинг шавкати ўғли» ёхуд «Миллатнинг Шавкат Мирзиёеви» тарзида тушуниш ва талқин қилиш мумкин. Қизиги, бу версияларнинг ҳар бири ҳам битик моҳиятига тўла мос келади. Шунингдек, мақолаларнинг «Шавкат Мирзиёев: «Мен умримни шу халққа тикканман!», «Бизни улуг ғоя – ватан манфаати бирлаштиради», «Бунёдкорликдан таваққур ўзгариши сари», «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...», «Ўйғонаётган арслон», «Қутиб ол, дунё» сингари номланиши кишини беихтиёр ўзига жалб этади.

Хуллас, бу китоб жамиятда юз бераётган ўзгаришлардан хабардор қилибгина қолмай, бу ўзгаришлар муаллифи бўлиши Президентимизни ўқирманга янада яқинлаштиради, ҳамфикрга айлантиради».

2-3 >>>

Баъзи ташкилотларда ходим ишга келиш вақтини ўзи танлаш ҳуқуқига эга

Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун «ISHONCH»нинг Телеграм каналига ўтинг:



СИНХРОН СУЗУВЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Спорт

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри 16–25 июль кунлари сув спорти турлари бўйича ёш тоифалари ўртасидаги XII Осиё чемпионатида мезбонлик қилди.

Мусобақа мамлакатимизда сув спорти турлари ҳам изчил ривожланиб бораётганини, «Uzbekistan Aquatics» федерацияси фаолиятини тўғри йўлга қўйгани натижасида нуфузли халқро гурнирларда Ватанимиз шарофтини муносиб ҳимоя қиладиган иқтидорли ёшлар етишиб чиқаётганини, мураббийлар ҳамда спортчилар меҳнати ўз самарасини бераётганини яна бир қарра намоён этди.

Жумладан, Осиё биринчилиги синхрон сузиш йўналишида иштирок этган терма жамоамиз аъзолари учун омадли келди. Синхрон сузиш усталари чемпионат давомида «А», «В» ва «С» гуруҳларида баҳс олиб боришди ҳамда ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олишди.

«А» гуруҳида рақиби билан беллашган Дарья Кочнева 219.0758 балл жамғарган ҳолда шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллаб, илк олтин медални қўлга киритган бўлса, мусобақанинг техник дуэт йўналишида Ҳадича Агзамова ва Сабина Маҳмудова жуфтлиги жамоамиз жамғармасига

иккинчи олтин медални тақдим этди. Аёллар ўртасида эркин дастурда эса Алиса Морковина «С» гуруҳида 304.8675 балл жамғариб, олтин медалга эга чиқди.

Шунингдек, эркин соло, акробатик гуруҳ, эркин дуэт, эркин микст дуэт каби дастурларда ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

Шу тариқа синхрон сузувчиларимиз Осиё чемпионатини жами 16 та медал билан якунлашди. Уларнинг 3 таси олтин, 6 таси кумуш ва 7 таси бронза медалларидир.

– Биз ушбу ютуқларимизни, қўлга киритган медалларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлаймиз, – дейди чемпионат ғолибларидан бири, касба уюшмалари спортчиси Дарья Кочнева.

Олдинда эса спортчиларимизни янги мусобақалар, янги марралар ва янги ғалабалар кутиб турибди.

Ўз мухбиримиз



Танлов

Самарқандда ўтказилган «Экологик фаол касаба уюш-маси жамоаси» республика танловининг ҳудудий босқичи меҳнат жамоаларида экологик маданиятни юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнларида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган замонавий ёндашувларни оммалаштиришга хизмат қилди.

ЭКОЛОГИК
ТАШАББУСЛАР
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Танловда турли соҳа-ларда фаолият юритаёт-ган юзга яқин ташкилот вакиллари қатнашиб, ресурс-лардан оқилона фойдала-ниш, чиқиндиларни қайта ишлаш ва зарарсизланти-риш, ҳудудларни кўкаламзор-лаштириш ҳамда «яшил» тех-нологияларни жорий этиш борасида амалга оширган ишларини тақдим этишди. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг амалий лойиҳалари, иннова-цион ёндашувлари ва эколо-гик самарадорликка қаратил-ган ташаббусларини ҳар то-монлама баҳолашди.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой ўтган танлов яку-нига кўра, Республика шо-шилинч тиббий ёрдам ил-мий марказининг Самарқанд вилояти филиали, Са-марқанд агроинновация-лар ва тадқиқотлар инсти-тути ҳамда Иштихон тумани 2-сонли техникуми бош-ланғич касаба уюшмалари жамоалари энг муносиблар қаторида эътироф этилди. Энди улар республика босқи-чида вилоят шарафини ҳи-моя қилишади.

Алоҳида қайд этиш ло-зимки, Республика шоши-линч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд ви-лояти филиалида экологик хавфсизликни таъминлаш масаласига ўта масъулият билан ёндашилмоқда. Муас-сасада атмосфера хавосига

чиқарилаётган зарарли мод-далар миқдорини мунтазам кузатиб боровчи мониторинг тизими йўлга қўйилган. Фи-лиал меҳнатни муҳофаза қи-лиш ва хавфсизлик бўлими бошлиғи Холбўта Нурматов-нинг таъкидлашича, муас-сасада ўта хавфли тиббий чиқиндиларни экологик та-лаблар асосида зарарсизлан-тириш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган «Greepex Есо» технологиясига асослан-ган замонавий муфель печи ўрнатилган. Мазкур ускуна тиббий чиқиндиларни хавф-сиз усулда қайта ишлаш им-конини бериб, атмосфера хавосига зарарли модда-лар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Бу танлов нафақат эришилган ютуқларни на-моёйиш этиш, балки тўплан-ган илгор тажрибаларни оммалаштириш учун ҳам муҳим майдондир. Респу-блика босқичида муносиб иштирок этиб, вилоятчи-мизда амалга оширилаёт-ган экологик ислохотларни кенг жамоатчиликка намоеъ этишни мақсад қилганмиз, – дейди Холбўта Нурматов. Тадбир сўнигда голиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақ-дирланди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Ички туризм

ЎЗАРО ИШОНЧНИ
МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ОМИЛ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходим-лари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган саёҳат касаба уюшмаси аъзоларига руҳий ва жисмоний тетиклик бахш этди.

Саёҳат манзили сифатида Жиззах вилоятининг сў-лим Зомин тумани ҳамда кўхна Самарқанднинг муқад-дас қадамжолари танланди. Бошланғич касаба уюшма таш-килотларининг 100 нафардан зиёд раиси Зоминнинг сўлим табиати қўйнида мароқли хор-дик чиқарди. Беш кунлик саё-ҳат барчада бир олам таассу-рот қолдирди.

– Ёз чилласида салқин жойларда бўлиш, тоза ҳаво-дан баҳра олишининг фойдаси катта экан, – дейди Хоразм вилояти божхона бошқар-маси касаба уюшмаси кўми-таси раиси Икром Матниеъов. – Кейинги йилларда олиб бо-рилган бунёдкорлик ишлари натижасида Зоминда жаҳон андозаларига мос шарт-шаро-итлар яратилганини кўриб, беҳад хурсанд бўлдик. – Самарқандда бўлгани-

мизда, Имом Бухорий маж-муасини танимай қолдик. Ди-нимизга, буюк аждодларимизга бўлган эҳтиром рамзи бу, – дей-ди Хоразм вилояти маданий ме-рос бошқармаси касаба уюш-маси кўмитаси раиси Садоқат Тоҳирова. – Юртимизда обод манзиллар кўпайишини тилаб дуолар қилдик.


Замонавий тадқиқотларга кўра, мунтазам маънавий ва жисмоний ҳордиқ чиқарадиган ходимларнинг иш самарадор-лиги 25–30 фоизга ортар экан. Қолаверса, расмий муҳитдан ташқаридаги мулоқот ходим-лар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Хурсанд САТТАРОВ,
Давлат муассасалари ва
жамоат хизмати ходимлари
касаба уюшмаси Хоразм
вилояти кенгаши ташкилий
ишлар бўлими мудири

Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

Александр БЛОК

ПУБЛИЦИСТИК



Одам — кечаги ноқулайликлару қи-йинчиликларни бир зумда унутиб, бу-гунги қулайликларга тез кўникади-ган яратик. Бу хусусият инсон ҳаё-тига ҳам, жамият тафаккурига ҳам хос. Таниқли олим, машҳур публицист, давлат ва жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг «МИЛЛАТ ШАВКАТИ» ки-тоби — фикр аҳлини ана шу нуқсондан қутулиб, одамлар ва бутун жамият ҳаётида юз бераётган ижобий жиҳат-ларни пайқашга, уларнинг пайдо бў-лишига сабабчи шахсиятлар меҳна-тини қадрлашга чорлайдиган асар. Муаллиф жамиятда кечаётган ўзга-ришларни мақташ, санаб ўтиш билан-гина чекланмайди. У зоҳирий воқеа-лар ортидаги маъноларни излайди, бир қарашда ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳодисалар ўртасидаги ички алоқани топади ва ўқирманни ҳам шу жара-ёнга жалб қилади.

Публицист билан воқеанавис ўр-тасида фарқ бор. Воқеанавис воқеани сўзлаб беради. Публи-цист эса нима учун шундай бўлгани, унинг ортида қандай қонуният тур-гани ва у жамият ҳаётида нимани ўз-гартираётганини англашга ҳаракат қилади.

Қудратилла Рафиқов мақолала-рида ана шундай теран таҳлилий ни-гоҳ яққол кўзга ташланиб туради. У мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ёзар экан, воқеанинг ташқи манзараси билан кифояланмайди. У ҳар бир бунёдкорлик ортида тафак-курдаги ўзгариш, ҳар бир дипломатик қадам ортида тарихий хотира, ҳар бир ютуқ ортида миллатнинг ўзига бўлган қатъий ишончини кўради.

Китоб сарлавҳасига кўчган «МИЛ-ЛАТ ШАВКАТИ» номли мақола ана шундай фикрлаш усулининг ёрқин намунаси десам, асло адашмайман.

Муаллиф талқинида Самарқанд – миллат ўзлигини намоеън этадиган маънавий макон. Шаҳарнинг тари-хий мақомини тиклаш – биноларни таъмирлаш ёки кўчаларни обод қи-лишдан анча мураккаб иш. Бунинг учун шаҳарнинг кўп асрлик руҳияти, тарихий хотираси ва цивилизацияон моҳиятини қайта ҳаракатга келти-риш талаб этилади.

Қудратилла Рафиқов Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига раҳбар бўлиб борган даврда ишни шаҳарни чиқиндилардан тозалашдан бошлаганига алоҳида маъно юклайди. Муаллифнинг фикрича, бу шаҳар аҳли онгидан советча қарашларни, мустам-лакчиликнинг маънавий кўкминини чиқариб ташлаш ва руҳни янгилашга илк уриниш ҳам эди.

Муаллиф оддий воқеани катта та-рихий жараён билан боғлайди. Аммо бу боғланиш сунъий эмас. У шаҳар-нинг ўтмиши, тарихий хотираси ва кейинги ўзгаришлар мантигидан кели-б чиқади.

Қудратилла Рафиқов публицисти-касида воқелик шунчаки тасвирлан-майди – унга жуда катта маъно юла-нади.

Қ.Рафиқов ҳаёт ҳодисаларига руҳ-шунос ва файласуф кўзи билан қараб, миллат аҳлини фикрламайдиган оло-монга айлантириш йўллари ҳақида: «...одам тинимсиз нимагадир ундаб турибса, матбуот эртдан то кеч зарбдорлик, дала ишлари, етиб бўл-майдиган «план» ҳақида муттасил гапираверса, бу ҳолат ҳар қандай эркин тафаккурга ҳам путур етқа-зади. Одамлар фикрни жамоавий тарзда бир нуқтага «йиғиш», барча уй-ҳаёлларни умумий бир ўзанга бўй-сундириш, табиийки, шахсий фикрни жиловларайди», деб ёзади.

Мақолада мустақилликнинг даст-лабки чорак асрида шахс эркинлиги фақат назарий тушунча, ҳуррият қай маънодадир «қарам мустақиллик»дек туюлиши, жамият элитасида советча ёндашувлар ва эркин фикрдан чўчиш ҳолатлари йўқолиб кетмагани жуда ҳаққоний кўрсатилади.

Муаллиф мақола қаҳрамони ти-лининг индивидуаллигини бир оғиз гапи, ўша гапдаги биргина сўз билан бера олиш қобилиятини намойиш қи-лади: «...у киши Самарқандда ишла-ётган даврларда ёнма-ён кетаркан-миз, ҳазил аралаш савол бердим. «Тоҳ-зоҳида ухлаб ҳам турасизми,

Шавкат Миромонович?!» У киши ўз одатига содиқ ҳолда жилмайиб жа-воб қилди: «Манзилдан-манзилгача мошинада нима қилиш мумкин?». Бу жумла Президент нутқининг табиий-лиги ва шахсий одатини кўрсатиши билан бирга, унинг иш суръати ҳақи-даги узундан-узоқ таърифлардан кўра кўпроқ маълумот беради. Қудратилла Рафиқов Президент характериани ана шундай кичик, аммо жонли деталлар оркали оча олади.

Китобдаги «Мен умримни шу халққа тикканман!» мақоласида эса Президентнинг ислохотлардан қўзла-ган мақсади унинг ўз сўзлари орқали шундай ифодаланади: «Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга оқсин, бо-лалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равои бўлсин деб ишга кел-дим...».

Бу самимий фикр китобнинг умуй-мий ғоясини англаб етишда муҳим аҳамиятга эга.

Қудратилла Рафиқов талқинида ислохотлар инсоннинг қадр-қим-мати, турмуши ва келажакка ишон-чида намоеън бўлиши керак. Шу маъ-нода, китобда Президент образи на-фақат давлат раҳбари, балки миллат тафаккурини ҳаракатга келтиришга интилаётган етакчи сифатида намоеън бўлади.

«Бунёдкорликдан тафаккур ўзга-риши сари» мақоласи ҳам ана шу ма-сала тадқиқига бағишланган. Оддий маиший манзара – Президентнинг за-монавий савдо-кўнгилочар марказга бориши жамиятнинг фаровонликка муносабати, одамларнинг бугун яхши яшаш ҳуқуқи ва раҳбар билан халқ ўр-тасидаги масофа ҳақида мулоҳаза юритишга ун-дайд.

Муаллифнинг фик-рича, катта ислохот одамларнинг ўз имко-нияти, қадри ва кела-жаги ҳақидаги тасавву-рини ҳам янгиллаш керак. Зеро, тафак-кур ўзгармаса, жамият-даги бошқа ислохотлар барқарор бўлмайди. Бу – китобнинг энг муҳим фалсафий хулосалари-дан бири.

«Ўйғонаётган арслон» мақоласи мақсадини муаллиф: «...кўзлаган манзилга интилаёт-ган ва бу жараёнда ул-кан ютуқларга эриша-ётган Миллатимиз лидери Шавкат Мирзиёевнинг жасорат ва садоқатга эрилган фаолияти ҳақида сўзлаш ва бу кайфиятни бизга ҳам улаштириш» тарзида белгилайди. Эътибор қилинг, у ахборот бермайди, балки ижобий кайфият уйғотиб, уни ўзгаларга-да улашмоқ истайди.

Қ.Рафиқов Президентнинг тиним билмас фаолиятидаги етакчи мақсад ҳақида: «...минг йилларки, ота-бо-болари бирга аҳил-иноқ яшаб кел-ган, аммо турли сиёсий сабабларга кўра, ажралиб ва ҳатто ...бир-биро-вига ёвга айланишига озгина қолган халқларимизни бирлаштириш, сил-таб узиб олинган тарихий томир-ларга малҳам қўйиш, бир замонлар чуқур уйқуга кетган «арслон»ни уйғо-тиш экан...», деган тўхтамга келади.

Ухлаётган арслоннинг, яъни шу вақтга қадар биров танимаган ва тан олмаган юртимизнинг уйғонишини мақола муаллифи ўзбек спортчила-рининг 208 давлат вакиллари қатнаш-ган олимпиадада 13-ўринни, Осиёда 4-ўринни, туркий, мусулмон ва МДҲ давлатлари орасида 1-ўринни эгалла-шида, 3 ўзбек спортчисининг «икки карра олимпия чемпиони» бўлгани, бокс ва шахматдаги тенгсиз ютуқла-рида кўради. Нега шу вақтга қадар бўлмаган бундай оламшумул натижа-ларга эндиликда эришилди, деб сав-ол қўяди муаллиф. У ҳодисалар за-миридаги қонуниятларни топади. Шу боис юқорида саналганлар шун-чаки спортдаги бир ютуқ эмас, балки миллатнинг ҳар жиҳатдан дунё ҳисоб-лашиши керак бўлган субъектга ай-ланиб бораётгани натижаси, деб би-лади.

«Қутиб ол, дунё» мақоласида муаллиф ўз тўхтамини дангал ай-тади: «Мендан Шавкат Мирзиёев-нинг бугунгача эл-юртимиз олдидаги энг буюк хизмати нимадан иборат, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, Ўзбе-кистон ва халқимиз шаънини, обрў-сини қайта жойига қўйганида, деб айта олам». Муаллиф бунга Прези-дентнинг Ўзбекистон дейилса, ҳа-миша «Покистон», «Афғонистон» деб талмовсирайдиган дунёга Ўзбекистон ва ўзбекни адашмайдиган даражада танитиб қўйганини асос қилиб кўрса-тади.

Қ.Рафиқовнинг ўзликни англаш, идентлиликка эришиш истиқлолнинг дастлабки чорагида ҳам кўнгилдаги-дай бўлмаганини: «...миллий коднинг энг асосий унсури бўлган тил бораси-

бири раҳбари хурмат кўрсатмоқда.

Албатта, тил обрўси фақат хори-жий раҳбарнинг бир неча ўзбекча сўзи билан белгиланмайди. Унинг ҳақиқий мавқеи давлат бошқаруви, илм-фан, таълим, технология ва ма-даниятда қай даражада ишлашга боғлиқ.

Аммо рамзий ҳодисалар ҳам жа-мият руҳиятига таъсир қилади. Улар одамга ўз тилининг фақат уй ва бозор тили эмас, дунё билан тенг мулоқот қила оладиган маданий қудрат экани-ни ҳис эттиради.

Рафиқов публицистикасининг кучи шундаки, у сиёсий протокол-даги кичик бир деталдан миллий қадр-қиммат ҳақидаги катта хулоса-ларга келади.

Чиндан ҳам ўзбек тилининг обрў-сини ошириш борасида Президент мисли қўрилмаган ишлар қилди. Тилни ривожлантириш департамен-тининг ташкил этилиши ҳамда ҳар бир ташкилотда давлат тили бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий қи-линиши тилга эътибор борасида ҳеч қаерда қўрилмаган мислсиз иш бўлди. Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиш, ўртоқ турк алифбосини қабул қилишга хайрихоҳлик ўзлигимизни намоеън этишнинг ёрқин кўринишла-ридир.

Мақолада муаллиф Президентнинг шу ва шу каби ишлари ҳақида тўх-талгач: «Бугун жаҳоннинг бизга бўл-ган қарши ҳам, муомаласи ҳам ўз-гарди», деган хулосага келади. Ушбу мақолада Президентимизга Франция-да икки асрдан ошқ вақт давомида оламдаги ўнтагина кишига берилган «Фахрий легион» орденининг топиши

рилиши унинг шахсига кўрсатилган жаҳоншу-мул эҳтиром эканини алоҳида таъкидлайди.

«МИЛЛАТ ШАВ-КАТИ» китобида Мар-казий Осиё халқлари ўртасидаги муносабат-ларга ҳам кенг ўрин бе-рилган. Муаллиф Мар-казий Осиё, қўшни халқлар яқинлашувини тарихий томирларни қайта боғлаш, сунъий бегоналашувларни ен-гиш ва умумий хоти-рани тиклаш жараёни сифатида кўради.

«Тарих синовлари-дан ўтган ҳақиқат: Ўз-бек ва қирғизни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бир-бирдан айира олмайди» номли мақолада ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биро-дарлик ришталари ҳақида сўз бо-ради. Муаллифнинг фикрича, ўзбек ва қирғиз ўртасида юзга келган со-вуқлик, чегара муаммолари ва ўзаро ишончсизлик халқларнинг табиий муносабатидан келиб чиқмаган. Улар сиёсий қарорлар, ёпиқлик ва ечилмай келган муаммолар оқибатида кучай-ган.

Шавкат Мирзиёевнинг қўшнилар билан очик ва самимий мулоқотни йўлга қўйиши бу муҳитни ўзгартирди. Қатновлар тикланди, чегара масала-лари ўз ечимини топди, иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайди.

Рафиқов бу жараёни қардош халқларнинг бир-бирига қайта яқин-

Одамзод бахти учун курашишга ўргатадиган ажиб ғояларни кишиларга сингдириш буюк санъатдир.

СТЕНДАЛЬ

ТАФАККУР ҚУДРАТИ

лашуви сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, одамлар ўртасидаги тарихий яқинлик давлатлараро муносабатлар билан мустаҳкамланмаса, вақт ўтиши билан заифлашиши мумкин. Шунинг учун сиёсий раҳбариятнинг вазифаси мавжуд яқинликни сунъий тўсиқлардан ҳимоя қилиш ва уни амалий манфаатлар билан бойитишдан иборат.

Муаллифнинг Ўзбекистон Президенти айтган «Бизга кучли ва фаровон кўшни – Қирғизистон керак» деган фикрга алоҳида урғу бериши ҳам бежиз эмас.

Бу қарашда янги ташқи сиёсий фалсафа кўзга ташланади: кўшнинг заифлиги ўзингнинг кучингни оширмайди. Аксинча, беқарор ва қашшоқ атроф-муҳит ҳар қандай давлатнинг тараққиётига хавф солади. Фаровон кўшни эса хавфсиз чегара, кенг бозор, ишончли шерик ва умумий тараққиёт имконияти, демак.

Шу боис китобдаги қўшничилик мавзуси ташқи дипломатия доирасидан чиқиб, халқлар тақдири, тарихий хотира ва минтақавий келажак масаласига айланади.

Китобдан ўрин олган мақолалардан бири «**Аламин бор...**» деб аталган. Мақолада муаллиф алам билан шундай дейди: «...**биз ҳам узок йиллар афсонавий тарихимиз, маданиятимиз, аждодларимиз киму, бу дунёда жойимиз қаерда бўлганини унутдик. Дунёнинг чети, учинчи даражали бир давлат, халқ деб қарашларига қўнқидик. Ва энг аламлиси, замонавий дунё сахнидаги маданий ва тарихий ўрни-миз кумга сингган сувдай «йўқолиб» қолди...**».

Муаллиф тарихни неча бор таҳрир қилган этнос ва унинг юрти очун аҳлининг кўпчилиги ёдидан чиққанидан изтиробга тушади. Бу ҳол ўзимизни оламга қайта танитиш заруратини пайдо қилганини ургўлайди. Президентнинг: «...**Нима учун Ислон цивилизацияси марказини қилдик? Миллатимизнинг шону шавкатини тарихга муҳрлаб қўйиш учун. Бу ерга кирган одам чиққандан кейин бу миллатга таъзим қилиши учун қилдик буни...**», деганида ана шу тарихий зарурат зоҳир бўлган. Мақолада миллату Ватанининг қадр-қимматини жойига қўйиш, шону шавкатини улуғлаш Шавкат Мирзиёевни мудом ўйлантирадиган орзу экани қайд этилади.

Муаллиф тарихга эҳтиёт ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш зарурлигини, унга носоғлом ёндашув бугунга ҳам салбий таъсир қилишини ургўлайди: «...**бизда тарихга назар турли даврларда турлича бўлган. Шундай вақтлар бўлдики, баъзан унинг иптоаткор қўлига айландик. Баъзан эса ундан фажрланиш билангина ўзимизни овутидик. Билганимизга тўқиб-бичдик, қўлга қайчи олиб, истагимизга мосладик...**».

Мақолада Ислон цивилизацияси Марказида турли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари борлиги, шунингдек, Al-Furqan, Оксфорд Ислон тадқиқотлари маркази, Туркия, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг 100 дан ортиқ илмий институтлари, музей ва кутубхоналари филиаллари очилиши унинг жаҳоний мақомга эгалигини билдириши таъкидланади. Миллат тарихидаги икки Ренессанс ҳам «**...маданиятлар алмашинуви, жаҳон илм-фанига интеграциялашуве орқали юз берган**»лиги ургўланади. Цивилизация Маркази аини шу интегратив жиҳати билан янги Ренессансга асос бўлиши мумкинлиги айтилади. Марказда дунёнинг қўллаб илм масканлари, маданий институтлар мутахассисларининг ўзбек олимлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, унинг навбатдаги миллий Уйғонишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланади.

Қ.Рафиқов бугун қилинаётган ишлар билан миллатнинг шонли ўтмишида амалга оширилган юмушлар ўртасида ўхшашлик кўради. Чунончи, Тошкентда Ислон цивилизацияси Марказининг ташкил этилиши ва фаолиятида қўллаб мамлакатлар-

нинг мутахассислари қатнашётгани билан Туркистонда олдин юз берган Ренессансларнинг халқлар ва фанлар интеграцияси натижасида содир бўлгани ўртасида мувозийлик мавжуд. У ҳар қандай юксалиш миллий биқик муҳитда кичик микёсда эмас, балки кенг ҳамкорлик натижасида юз берадиган ўзига хос глобал ҳодиса эканини таъкидлайди. Бу хилдаги қарашларни миллий тафаккурнинг чуқурлашиб ва янгиланиб бораётганининг хайрли белгисидир, дейиш мумкин.

Китобда олти юзга яқин четга чиқиб кетган қимматли артефактларнинг Ислон марказига қайтарилиши унинг рутбасини кўтаришга хизмат қилиши айтилади. Муаллиф бир вақтлар ўн минг хайрия биноси қуришни орзулаган Турон ҳукмдори Абдуллахоннинг армонлари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётгани тарихнинг давомийлиги белгиси эканига ҳам ишора қилади.

«**Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: ЙЎҚОТИЛГАН ҚАЛБНИ ИЗЛАБ...**» суҳбат мақоласида муаллиф Олмониядаги «Berliner Zeitung» нашри сиёсий шарҳловчиси Томас Фасбендернинг: «**Ўзбекистонни нафақат гео-сиёсий, балки цивилизация-цион нуқтаи назардан ҳам қўтбанинг маркази дейишга асослар бор. Менимча, олис ўтмишда ушбу заминда пайдо бўлган икки буюк юксалиш – Ислон уйё-ноши даври ва Темурийлар ренессанси улашган маданият ва илм-фан нафақат Шарқ халқлари ёки Ислон олами, балки инсоният тарихи учун ҳам ўта муҳим эди**» тарзидаги ҳаққоний эътирофига муносабат билдириш

асносида ўзининг миллат тарихидан чуқур хабардорлиги ва бунн ўзгалар билан бўлишиб, ҳаракат энергиясига айлантириш борасидаги ўйлари билан ўртоқлашади.

Муаллифни анча вақт шонли тарихга эга миллат номидан бошқалар гапиргани, кимларлар бизни атрофга таништиргани, биз эса узок йиллар ўша кучлар олдида «чурқ этмай» ўтирадиган забонсиз кимсаларга айланганимиз, бу ҳолнинг обьектив ва субъектив сабаблари ўйга ботиради. Олим тарих борасидаги қарашлар мустақиллиқнинг илк чорагида ҳам ўзгармаганини: «**Давлат ижтимоий-мафкуравий секторда худди иттифоқ замонларидагидек қаттиққўл ва ягона «ўйинчи»га айланди. Битта фарқи, у мафкурасиз эди, холос**» йўсинида тамомила аниқ ва ўзига хос изоҳлайди. Шу тариқа мафкура борасидаги яқранглик, албатта, фикрсизлик олиб келиши жуда ишонарли йўсинда кўрсатиб берилади.

Муаллиф жамиятда дин, миллий ўзлик ва тарихга ҳадик билан қараш совет консерватизмидан-да нотаовроқ ҳолатни вужудга келтиргани, унинг энг қўпол шакли жамият ва миллатнинг на туркий, на ислоний мансубликка алоқадор экани ўжарларча тан олинмаганида яққол намоён бўлганини айтади. На миллий ва на диний жиҳатдан бирор этносна яқинлиқни тан олмаслик фалсафаси жамиятни жисмонан яккалаб қўйгани, маълум маънода заифлаштиргани ҳам очик айтилади. Яқин тарихимиздаги қўшнилариимизга қарши олиб борган сиёсатимиз биздаги миллий давлат ва миллат қуриш жараёнларини ортга суриб юборгани алоҳида таъкидланади.

Қ.Рафиқов ёзади: «**Афсусланарли томонин, бугун минтақадаги беш давлатда тарих фанининг беш хил, баъзи ўринларда бир-бирига мутлақо тескари версиялари ўқитилмоқда. Ҳолбуки, уларнинг ўтмиши бир эди**». Бу хилма-хиллик минтақадаги этнос-лар ўртасида бир-бировига ётсираб

қарашга хизмат қилиши муаллиф томонидан афсус билан кўрсатиб ўтилади. Муаллиф идентлилик (кимлик ёки ўзлик) тушунчасининг асосини тил, маданият, тарих, тарихий хотира, дин ташкил қилишини таъкидлаб, буларни инкор қиладиган мафкуравий вакуум жамият учун ҳам, давлат учун ҳам хатарли эканига алоҳида урғу беради. Бирор соҳада фикр ва муносабат эркининг йўқлиги, рухсат берилишига қараб ўйлаш мумкинлиги тараққиётга ғов бўлади. Лекин эгаманлиқнинг дастлабки чорагида мақолада айтилганидек: «**...деколонна-лиал контекстдаги кимлик, анъаналар силсиласи, ўтмиши, этник мансублик ёки миллат, миллий давлат тушунчаси ва ҳатто тарихий шахсларга нисбатан қарашларимизни ҳам ҳукмрон режим белгилаб берди. Ва қанчалик галати эшитилмасин, айнан шу қарашлари билан у ўзи инкор этаяётган социал мафкуранинг «йўнилган» муқобилига айланди**». Чиндан шундай эди.

Мақолада Шавкат Миромонович томонидан кўшнилар ўртасидаги

МУАЛЛИФНИ АНЧА ВАҚТ ШОНЛИ ТАРИХГА ЭГА МИЛЛАТ НОМИДАН БОШҚАЛАР ГАПИРГАНИ, КИМЛАРДИР БИЗНИ АТРОФГА ТАНИШТИРГАНИ, БИЗ ЭСА УЗОҚ ЙИЛЛАР ЎША КУЧЛАР ОЛДИДА «ЧУРҚ ЭТМАЙ» ЎТИРАДИГАН ЗАБОНСИЗ КИМСАЛАРГА АЙЛАНГАНИМИЗ, БУ ҲОЛНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ САБАБЛАРИ ЎЙГА БОТИРАДИ. ОЛИМ ТАРИХ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАР МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЧОРАГИДА ҲАМ ЎЗГАРМАГАНИНИ: «**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙИ-МАФКУРАВИЙ СЕКТОРДА ХУДДИ ИТТИФОҚ ЗАМОНЛАРИДАГИДЕК ҚАТТИҚҚЎЛ ВА ЯГОНА «ЎЙИНЧИ»ГА АЙЛАНДИ. БИТТА ФАРҚИ, У МАФКУРАСИЗ ЭДИ, ХОЛОС**» ЙЎСНИДА ТАМОМИЛА АНИҚ ВА ЎЗИГА ХОС ИЗОҲЛАЙДИ. ШУ ТАРИҚА МАФКУРА БОРАСИДАГИ ЯҚРАНГЛИК, АЛБАТТА, ФИКРСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛИШИШ ЖУДА ИШОНАРЛИ ЙЎСИНДА КЎРСАТИБ БЕРИЛАДИ.

музларни эритиш, улар билан самими-ий муносабатларни тиклашга киришишнинг самараси ўлароқ, 2018 йилга келиб, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат кенгаши иш бошлагани қайд этилади. Гарчи тузилма ярим институционал бўлса-да, узок йиллик танаффус ва ўзаро тушунмовчиликлардан кейинги бир-бирини англаш, фикрни бир жойга жамлаб олиш учун ўта муҳим платформа вазифасини бажаргани таъкидланади. Муаллиф: «**Ўзбекистон бир асрлик тарихида илк бор ўзининг туркий этносга мансублигини расман эълон қилди**», деб ёзади ифтихор билан.

Олимнинг немис журналисти билан суҳбатда эгаманлиқнинг дастлабки йилларида юртимиздаги ҳолат ҳақида айтган: «...**давлатнинг расмий тарзда ўзини ифода этадиган, эга-манлигини тасдиқлайдиган барча рамзалар: байроқ, герб, мадҳия, пул, армия, чегаралари бор, аммо уларга қўшимча яна қандайдир нотуеаллик ҳам бордай эди. Ўзбекистоннинг давлат сифатида миллий «ким»лигидан бўлак ҳамма нарсаси бор эди. Унинг қалби – ўзлиги йўқ эди. ...У бир асрдан ортиқ вақт нари суғуриб олинган қалбини қидираётган, унингсиз ўзини нотуғал ва норасо сезаятган эди**» тарзида огриқли, аммо ҳаққоний фикрлар ҳар қандай одамани жиддий ўйга толишга мажбур қилади. Муаллиф миллат ўзлигини қаердан излаши ва қандай топиши ҳақида жуда жиддий ва ғоят эҳтиросли фикр юртади. У шонли тарихга эга миллатнинг шу тарихга муносиб бугуни бўлиши кераклигини, бугунни эса жуда яхши ва ҳаққоний ўрганилган ўтмиш устигагина қуриш мумкинлигини, юртнинг шонли тарихи шунчаки хотира эмас, балки бугун ва келажак қурилиши керак бўлган пойдевор бўлиши лозимлиги янглиг салмоқли фикрлар ҳароратин йўсинда ифода этилади. Президент барпо этаётган «Янги Ўзбекистон» эскисидан миллатнинг ўзлигини топишга йўналтирилгани билан

фарқ қилишини таъкидлайди.

Китобдаги бир мақола «**Бизни улуг ғоя – ватан манфаати бирлаштиради**» деб аталади ва унда мамлакат касаба уюшмаларининг ривожига Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни қайд этилади. Муаллиф: «**Рўйрост эътироф этиш керак, нодавлат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларининг «ўзгариши» Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунларга тўери келади. Президентимизнинг халқ давлат учун эмас, давлат одамлар учун хизмат қилиши керак, деган инсонпарвар сиёсати мамлакатимиздаги нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари учун ҳам ўтли қақирқ бўлди**», деб ёзади ва бундай ёндашув нодавлат ташкилоти бўлмиш касаба уюшмаларининг равнақига кучли сиёсий ва ҳуқуқий асос бўлганини қайд этади. Муаллиф Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгунга қадар бўлган давлат ғояси: «**Давлатми, нодавлатми – ҳар қандай ташкилот ва муассаса борки, битта «устун» ғояга бўйсундирилганди. Бу оёғи лойга ботиб қолган ағрар соҳани қулоғидан тортиш сиёсати эди**», дея очикчасига ёзади.

Қудратлига Рафиқовнинг китоби гарчи ўта жиддий ижтимоий-сиёсий ва амалий масалалар тадқиқига бағишланган бўлса-да, жуда тушунарли ва ҳазми осон йўсинда битилган. Бунга муаллиф ифода самимияти ва табиийлиги орқали эришган. Муаллиф ўқирман билан юзма-юз тургандай ёзади: «**Сезиб турирман, мақоланинг сўнгги қисмлари сизни зериктирди. Эсангизни қотирган бўлса ҳам ажабланмайман. Руҳи, матидаги хронологик оҳанг совет ...даври кайфиятини эслатувчи айни йўналиш бугун ҳаётимизда фавқулодда «беонова»га айланиб қолгандек...**» Бундай дангал иқдор ўзига ишонган ёзар томонидангина қилинади. Негаки у кейинги ўринларда ўқирмани ўзига эргаштира олишига ишонади. Услуб жозибаси, ифода равонлиги, сўзларни ўринли қўллаш маҳорати китобнинг ўқишли бўлишига хизмат қилган.

Муаллифнинг «саноат қўқими», «десоветизация», «қунлаш» (ҳасад қилиш), «қўрли» (устувор, ҳурматли), «бонитет» (ер унумдорлиги), «акторлар» (ҳаракатдаги, фаолиятдагилар), «марказнинг қирмизи гүмбазли саройлари», «бузмакор» (деструктив), «тарих иконаси» (тарих хашамин), «мультикультурализм» (кўпмаданиятчилик) сингари ўта кам ишлатиладиган сўзларни ўрнида қўллай билиши унинг ёзиқларига бетакрорлик бахш этган.

Мени бир ўқирман сифатида китоб муаллифининг битикларига сарлавҳа қўйиш маҳорати қойил қолдириди. Аввало, китобнинг номи бир неча маъноли экани билан диққатни тортади: уни «Миллатнинг шавкати» ёки «Миллатнинг шавкатли ўғли» ёхуд «Миллатнинг Шавкат Мирзиёевни» тарзида тушуниш ва талқин қилиш мумкин. Қизиги, бу версияларнинг ҳар бири ҳам битик моҳиятига тўла мос келади. Шунингдек, мақолаларнинг «Шавкат Мирзиёев: «Мен умримни шу халққа тикканман!», «Бизни улуг ғоя – ватан манфаати бирлаштиради», «Бунёдкорликдан тафаккур ўзгариши сари», «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...», «Уйғонаётган арслон», «Қутиб ол, дунё» сингари номланиши кишини беихтиёр ўзига жалб этади.

Хуллас, бу китоб жамиятда юз бераётган ўзгаришлардан хабардор қилбгина қолмай, бу ўзгаришлар муаллифи бўлиши Президентимизни ўқирманга янада яқинлаштиради, ҳамфикрга айлантиради.



«Фарзандларимиз учун муносиб таълим-тарбия ва соғлом муҳит яратиш – келажакимизга қаратилган энг муҳим сармоядир». Президентимиз таъкидлаган бу эзгу ғоя мамлакатимизда фаолият юритаётган болалар оромгоҳлари мисолида ҳам амалий ифодасини топмоқда.

Соз йтаётган

ёз

Қашқадарё вилояти Як-кабоғ туманидаги «Те-мур авлодлари» бо-лалар оромгоҳи – ана шундай масканлардан бири. Бу ерда болаларнинг таътили тарбия, маърифат, ижод ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган дастурлар асосида ташкил этилган.

Жорий мавсумда тўрт навбатда жами 1520 нафар боланинг дам олиши режа-лаштирилган эди. Ҳар бир навбатда 380 нафар кичкин-тойнинг жамулжам бўлиши бу ердаги инфратузилма ва ташкилий салоҳиятнинг юқори даражада эканини кўрсатади. Энг муҳими, оромгоҳ турли ташкилот ва хўжаликларда меҳнат қила-ётган ходимларнинг фар-зандлари учун ҳам очик.

– Болалар оромгоҳи де-ганда, кўз олдимизга спорт майдонлари, ётоқхоналар ёки ошхона келади, – дей-ди муассаса раҳбари Мақ-суд Жабборов. – Аслида эса оромгоҳнинг ҳақиқий қадрни унинг муҳити би-лан белгиланади. Чунки бу ерда бола ўзини эркин ҳис қилади, жамоада яшашни, дўст топишни, ўз фикрини эркин ифода этишни ўр-ғанади. Энг муҳими, унда Ватанга муҳаббат туйғуси шаклланади.

«Темур авлодлари»да ҳар бир кун давлат рамзларига ҳурмат, миллий қадриятлар ва ватанпарварлик ғояла-рини мустаҳкамлашга хиз-мат қилувчи маънавий-маъ-рифий тадбирлар билан бойитилган. «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Ватан ягонадир – Ватан биттадир», «Ўзбекистон – Ватаним маним» каби мав-зулардаги давра суҳбатлари ёш қалбларда юртга мухаб-бат туйғусини кучайти-ради.

Бутунги ахборот оқими шиддатли кечаётган, турли ёт ғоялар ёшлар онига таъ-сир кўрсатишга интилаёт-ган бир пайтда бундай маъ-навий тарбиянинг аҳамия-ти янада ортади. Шунинг учун ҳам оромгоҳда ҳуқуқ-бузарлик, гиёҳвандлик ва бошқа салбий иллатлар-нинг олдини олишга бағиш-ланган учрашувлар мун-тазам ўтказилиши бежиз



Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Қозоқбой Йўлдошев. 1949 йил 9 майда туғилган. 1970 йилда Сирдарё давлат педагогика институтининг ўзбек филоло-гияси факультетини имтиёзли битирган. 1970-1977 йилларда Гулистон туманида турли лавозимларда ишлаган. 1986-1994 йилларда Гулистон давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудури, «Ўзбек филологияси» факультети декани лавозимларида меҳнат қилган.

1994 йилдан 1998 йилгача Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бўлим мудури, дирек-торнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. 1998 йилнинг апрелидан 2000 йилнинг августигача Ўзбекистон Мил-лий университети «Ўзбек филологияси» факультети декани, 2000 йилдан 2005 йилгача «Ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси му-дури, 2005 йилдан эса «Матншунослик, миллий уйғониш даври ва ҳозирги ўзбек адабиёти» кафедраси профессори бўлиб ишлаган.

1985 йилда филология фанлари номзоди, 1997 йилда эса педагогика фанлари доктори илмий даражалари учун диссерта-ция ҳимоя қилган. 2000 йилда профессор илмий унвонини олган. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси.

Эълон

Нотариус Цой И.М. томонидан Тошкент шаҳри Янкасарой туманида марҳум Папушин Василий Ивановичнинг вафотидан сўнг мерос иши 2024 йил 1 март куни очилган. Марҳумнинг меросхўрлари ушбу мерос масаласи бўйича қуйидаги ман-зилга мурожаат қилишлари сўралади:
Манзил: Тошкент шаҳри, Янкасарой тумани, «TASHKENT INDEX» тураржой маж-муси, C2-1-1006-блок.
Телефонлар: (95) 061-32-13, (90) 001-32-13

Инсон тани учун сиҳат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун эзгулик ҳам шунчалик муҳим.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

Анжуман

Маънавият

ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИК ТИМСОЛИ

Миллий матбуот марказида 30 июль — Халқлар дўстлиги куни муносабати билан ўтказилган «Дўстлик» фестивалига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раҳбарияти, миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, Биродар шаҳарлар альянси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди.



Анжуманда мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқ дипломатиясини ривожлантириш, миллий маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни қарор топтиришга қаратилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Қўмита раиси Қахрамон Сариев «Дўстлик» фестивали юртимизда қарор топган тинчлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган

ган муҳим маънавий-маърифий лойиҳа эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, фестиваль доирасида «Дўстлик оҳанглари» концерт дастури, «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» фотосуратлар кўргазмаси, «Она замин бағридан» ҳунармандчилик кўргазма-ярмаркаси, «Қардошлик мушоираси» ижодий учрашуви, болалар ёғи оромгоҳларида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда «Умуммиллий бирдамлик – Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция уюштирилади. Хусусан, Самарқанд шаҳрида ўтадиган «Биродар шаҳарлар форуми»да 30 га яқин давлатдан 100 га яқин меҳмон – олимлар, экспертлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

– Мамлакатимизда турли миллат вакиллари олдига ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни ҳар қанча эътироф этсак, арзийди, – дейди Республика туркман маданияти маркази раиси Гулдана Аведзурдиева. – «Ўзбекистон – ягона Ватан!» гоясини мужассам этган бундай маънавий-маърифий тадбирлар юртимиздаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



навий-маърифий тадбирлар юртимиздаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуманда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Шунингдек, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва умуммиллий ҳамжиҳатлик гояларини тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналист ва блогерлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Комила БОЙМУРОДОВА
«ISHONCH»

Ижод

НАРГИСИМ, КЕЛ, БИР ҚАДАҲ ТУТ, БЎЛСА ҲАМ МАЙ, МАЙЛИГА!..



Наргис олтун жомининг олдида кофурий ҳарир
Пардаиш жонидурур марҳун, қадаҳполо эмас, –

деган байтда яна бугун учун тушунарсиз сўзлар кўп. Ҳазалнинг шу еригача «сунбул», «лола», «настарин», «раъно» каби гуллар тилга олинган. Энди бу сафга «наргис» ҳам қўшилади. Бу гулнинг кўп турлари оппоқ рангда очилади. Аммо атрофда оқ гулу, ўртада сап-сарик қадаҳга ўхшаган қосчаси бор турлари ҳам учрайди. Шоир бу байтини унинг айнан ана шу турини кўз олдига келтириб ёзган.

«Жом» сўзи – «қадаҳ»нинг маънодоши. «Кофур» оппоқ рангдаги хушбўй кристалл модда ҳисобланади. Рус тилида «амфора» деб ишлатилади. «Кофурий» сифати – «кофур рангда», яъни «оппоқ» дегани. «Ҳарир» калимаси ипак матони, яъни юпка ва нозик газламини билдиради. Бунда наргис гулининг қосчаси тағидаги оқ гулбарглр назарда тутиляпти. «Марҳун» эса «таровга қўйилган» ёки «таровга берилган» маъносига келган. «Қадаҳполо» дегани «майсузгич»ни англатади. Май тозаланиши учун у дока ёки сурпанг ўтказилган.

Ана энди байт мазмунини тугал ифодалаш имкони пайдо бўлди:

«Наргис гулининг олтиндек сап-сарик қадаҳи олдидаги юпка оппоқ гулбарглр жонимнинг таровга берилган пардаси ҳисобланади, у майни сузиб оладиган нарса эмас».

Бу гулнинг шоирларни бунчалар маҳлиё қилганига сабаб ҳам бор-да: у худди кичик қадаҳчага ўхшаб очилади. Ўтган йили баҳорда Навоийнинг наргис билан боғлиқ байтларини таҳлил қилаётганда «Google»га кириб, расмларини кидирдим. Эртаси куни ишга кетаётиб, кўшнимиз Рафаэл аканинг ҳовлиси олдидаги гулхонага қарасам, кўз олдимда «жонли» наргис очилиб турибди-ку.

Бу гўзаллики дарҳол суратга олдим, албатта.

Рафаэл аканинг наргислари бу йил яна гулдади. Негадир, шашти бутлургидек эмас. Суратга оладиган даражада ёрқин очилмаган. Ўзимча шоирлигини тугтиб, хаёлан ундан сабабини сўраган бўлдим. «Хафа бўламан-да, – деди. – «Шеър ёзаман», – деб эдингиз, ёзмадингиз-ку! Шоир деган бир йил ҳам илҳомини қўлдан бой бериб юрадимми?!» деса бўладими?! Шу заҳоти арузий бир мисра тилга келди:

Наргисим, кел, бир қадаҳ тут, бўлса ҳам май, майлига!..

30 йилнинг нарисидан бери оғзига май олмаган кимсанинг тилига келган сатрни қаран! Вазни ҳам – туркона, равонгина: «фоилотун фоилотун фоилотун фоилун». Рамали мусаммани маҳзурф (ёки мақсур).

Энди буни ғазалга айлантириш керак! Лекин...

Ҳазал ёздиғанлар биладики, бу жанрда 3 байт билан мақсадга етиб бўлмайди, камиди 5 байт тўқиш лозим. 5 байт бўлиши учун эса энди «майлига» сўзининг ёнига яна 5 та қофиядош сўз топиш зарур. Аммо унинг мушкулотиға тобимиз қаерда?..

Шундай бўлса ҳам қофиядош жумлаларни кидириб кўрдим. Кидирувда «майлига», «зайлига», «сайлига», «хайлига» сўзлари бўй кўрсатди, холос. Бахтимизга, Раҳматулла Кўнғиров, Александр Тихонов ва Суюн Қораев тузган «O'zbek tilining shappa lug'ati» (Toshkent: Shahhof, 2023)да «файл» сўзи ҳам бор экан, шундан «файлига»ни чиқариш мумкин. Чунки тилимизда аллақачон «бировнинг файлига юрмок» ибораси пайдо бўлиб улгурган.

Шунда ҳам 6 тага етмади-да. Нима қилиш керак? Қитъа ёзиш мумкин. 5 байт бўлади. Аммо қитъа қўрғурнинг жанрий талаблари панд-насихатга, фалсафий ҳукм-хулоса, бирор ҳаётий манзарага мойиллиқни тақозо қилади-да. Ҳазалнинг йўриғи бўлак эди-да.

Туркий тилимиз – шаклдош, яъни омоним сўзларга жуда-жуда бой. Адабиётда омоним сўзларни қўллаш «тажнис санъати» дейилади. Ҳатто қофиясида айнан тажнис қўлланидиган туюқ жанри ҳам фақат ва фақат туркий шеърятдагина мавжуд.

Агар ана шу 5 қофиядош сўздан бирининг омоними топилса, тажнис йўли билан қофияни 6 тага етказиш имкони бўлади. Назарий жиҳатдан шуни билганимдан қувониб кетдим. Ахир, «майлига» сўзи бизда икки маънода қўлланади-ку. Биринчиси – розилик маъносига «майлига» дейилади. У амалда «майли» сўзига мос маънони англатади. Бироқ «кинсоннинг майли» деган бирикмамиз ҳам бор-ку. У «истак» маъносини билдиради.

Бўлди, тамом, имкони топилди!

6 та қофиядош сўздан бемалол 5 та байт тўқиса бўлади. Марҳамат, ўқиб кўринг:

Наргисим, кел, бир қадаҳ тут, бўлса ҳам май, майлига,
Ситқорай, сен қарши турма бу кўнглининг зайлига.

Шубҳа қилма, бу синиқ дил қўмсамас ҳар нарсани,
Йўлига юрмас бировнинг, тушмагай ҳам файлига.

Бўлмоқ эрмас бой-бадавлат сўргани бу умрдан,
Моийл эрмас ёки асло айшу ишрат сайлига.

Шунча боқдим кўнглингга, раҳм айла сен ҳам бир бугун,
Етмишида тут қулоқ Султон Муроднинг майлига:

«Хизмат этса, токи жонни бор экан бу жисм аро,
Ҳақ ризоси йўлида шу Ўзбекистон хайлига!».

Халқимиз хали ғазалдан йироқлашганча йўқ. Яхши ёзилган бўлса, ўқийди, эшитида, завқ олади. Лекин гўё ошни паққос тушириб, ошпазини мактаб ҳам қўямиз-у, қозон бошига бориб, унинг қандай тайёрлангани билан унча-мунчага қизиқавермаймиз. Шу боис сизларни бир шеърят «ошхона»сига олиб қирай, дедим-да...

Султонмурод ОЛИМ

Бу — наргис гули. Айни кунлар унинг қийғос очилган пайти. Биз у ҳақда нималар биламиз? Тилимизда «наргис» сўзи бор, у рус тилида «нарцисс» дейилишидан хабардорлар ҳам топилса керак. Лекин бизда у, асосан, қизларга қўйиладиган от сифатида фаолроқ. Уни ҳам «Наргиза»га айлантириб юборганмиз. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов маромига етказиб қуйлаган «Наргиз» қўшиғи ҳам услубан «Наргис» исмли қизга бағишланган. Ҳолбуки, ўзбек мумтоз шеърятда наргис кўп қўлланадиган тимсол. Навоий «Ҳазойин ул-маоний»и биринчи девони бўлмиш «Ғаройиб ус-сигар»нинг куйидаги ғазалига эътибор қилинг:

Мароқли дам олинг,
азиз газетхон!



Комилжон Отаниёзов ижросида

«ХОРАЗМ
СЕГОҲИ»

Холу хаттинг хаёлидин, эй сарви гулгузор,
Гоҳи кўзумга хол тушубтур, гоҳи губор.
Юзунгда хол сафҳада томган қиб қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.

Навоий ғазали



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2020-5002

4772010500009

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDULLILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:00
Topshirishi – 01:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 004 ta
Shundan: 6 519 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
19 294 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taqob. Buyurtma: G-711
1 2 3 4 5 6